

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЙ БУЮМЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ РЕЕСТРИНИНГ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ

Фуркатжон Махмуджанович Ганиев,
УзМУ, Математика факультети, АТ мутахассислиги, 2 курс магистранти
Сухбатулла Исматуллаевич Пулатов,
ф.м.-ф.н., АДТ кафедраси доцент в.б.

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестри Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳар йили нашр этилади ва дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника муомаласи билан шуғулланувчи барча муассаса, ташкилотлар учун расмий хужжат бўлиб ҳисобланади.

Шу реестрнинг электрон тизимини яратиш, у асосда тегишли мутахассисларга керакли маълумотларни тақдим этиш муҳим аҳамият касб этади. Шундай электрон тизим яратиш тадқиқот ишининг масади бўлиб, натижада “Ўзбекистон Республикаси дори воситалари реестри” электрон тизими яратилди.

Электрон тизим кўп фойдаланувчили “мижоз-сервер” платформасида, WEB технология асосида ишлайди. Бундай технологиянинг қулайлиги – фойдаланувчилар учун браузернинг ўзи кифоя, қўшимча дастурга муҳтож эмас. Дори воситалари ҳақидаги маълумотлар Microsoft SQL серверида сақланади. Дастурий таъминот замонавий Microsoft Visual Studio 2015 муҳитида C# тилида ёзилган бўлиб, бунда ASP.NET MVC 5 технологияси ва ADO.NET Entity Frameworkдан фойдаланилган.

Фойдаланувчиларга қулай интерфейс тақдим қилиш учун дастурчи код териш орқали ёки мавжуд шаблонлар(template) ёрдамида веб саҳифа яратиши мумкин. Яратилган электрон тизмида шундай Gentellella шаблонидан фойдаланилган. Бу шаблон ёрдамида веб-саҳифада маълумотларни турли кўринишларда акслантириш, жумладан жадвал, матн, бошқариш элементларидан ташқари, статистик маълумотлар учун 10 дан ошиқ турдаги график шакллар (гистограмма, графика ва бошқалар) тақдим этиш мумкин.

Маълумки, реестрдаги дори воситалари ҳақидаги маълумотларнинг вақтга боғлиқлиги бор, яъни қайд қилинган дори воситалари 5 йил давомида кучга эга бўлиб, бу муддатдан сўнг рўйхатдан чиқарилади. Баъзи ҳолларда (масалан, қалбаки ҳоллари аниқланса) рўйхатдан муддати тугашдан илгари ҳам чиқарилиши мумкин. Электрон тизимда бундай ёзувлар базадан ўчириб ташланмайди, улар амалдан ташқари ҳолда деб белгилаб қўйилади. Бу

базанинг тайин санага бўлган актуал ҳолатини кўриш имконини, даврлар орасидаги динамикани ўрганиш имконини беради.

Дастурда кўп параметрли кидирув тизими жорий қилинган, унинг ёрдамида турли параметрли ёзувларни танлаб олиш, тартиблаш мумкин.

Яратилган электрон тизимдан врачлар, провизорлар ва бошқа мутахассислар, шунингдек оддий одамлар учун ҳам фойдаланишлари мумкин. Дастурни ишлатиш орқали олинган статистик маълумотлар ёрдамида Ўзбекистон республикасида фармацевтика ва соғлиқни сақлаш йўналишидаги баъзи ҳолатларни таҳлил қилиш учун фойдаланиш мумкин.

Масалан, 2018 йил реестрига мувофиқ, Ўзбекистон республикасида қўлланиш рухсат берилган дори воситалар сони 8305 та бўлиб, улардан 2182 таси Ўзбекистонда, 1804 таси СНГ (жами 8 та) давлатларида, 4319 таси эса бошқа чет эл (жами 71 та) давлатларида ишлаб чиқарилади. Ўзбекистонда дори воситаларини ишлаб чиқарувчи 190 та фирмалар мавжуд бўлиб, улардан энг унумдорлари сифатида ИП Nobel-Pharmsanoat, НПП Radiks, СП Remedy Group, ООО Torimed Pharm, АО Узхимфарм компанияларини эътироф қилиш мумкин.

Қуйидаги жадвалда дори воситаларининг фармакотерапевтик гуруҳлаш (ФТГ) классификацияси бўйича таксимотнинг баъзи характерли маълумотлари келтирилган.

Код	Фармокотерпевтическая группа лекарственных средств	Узб	СНГ	Заруб
1	Средства для анестезиологии и реаниматологии	51	33	62
2	Средства, влияющие на функцию нервной системы	103	156	237
3	Сердечно-сосудистые средства	169	191	439
4	Средства для лечения патологии органов дыхания	133	75	282
6	Антибиотики	260	160	457
10	Противотуберкулезные средства	8	17	12
11	Противовирусные средства	29	60	112
12	Противоопухолевые средства	1	24	157
13	Противоревматические, противовоспалительные, анальгезирующие и жаропонижающие средства	169	128	341
14	Антиаллергические средства	51	41	93
15	Средства, влияющие на иммунитет	8	64	91
16	Средства для коррекции метаболических процессов	259	224	363
24	Средства для лечения заболеваний ЛОР-органов	14	39	66
25	Антисептические и дезинфицирующие средства	122	30	14
27	Средства, применяемые при отравлениях и интоксикациях	14	10	5
28	Средства стимулирующие кроветворение	19	4	96
31	Средства для лечения алкоголизма наркомании и никотиновой зависимости	1	4	7

32	Гомеопатические средства	0	3	2
----	--------------------------	---	---	---

Бу жадвалдан дастлабки хулоса қилиш мумкинки, баъзи турдаги касалликлар учун дори воситалари Республикамизда нисбатан кам ишлаб чиқарилади, масалан, п.15 – иммунитетга таъсир қилувчи воситалар, п.12 – саратон билан курашиш воситалари, п.31 – алкаголизм ва чекишга ўрганишни даволаш воситалар ва бошқалар. Демак, бундай дори воситаларини Республикамида ишлаб-чиқаришни кучайтиришни долзарб масалалардан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, замонавий технологиялар асосида яратилган **“Ўзбекистон Республикаси дори воситалари реестри”** электрон тизими ҳам оддий одамлар учун, ҳам мутаххасислар учун фойдали восита бўлади.

Адабиётлар

1. Государственный Реестр лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники, разрешенных к применению в медицинской практике. Издание 22, переработанное и и дополненное. 2018, г.Ташкент. –855с.
2. Карпова ТС Базы данных: модели, разработка, реализация – СПб: Питер, 2007 – 304 с
3. M Ahmed, Ch Garret, J Faircloth, Ch Payne, W M Lee, JOrtiz, ASP.NET Web Developer's Guide, 2002